

**ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ**

**Андижон "Саййид Мухйиддин махдум"**

**ўрта махсус ислом билим юрти**

**мударриси Рустамжон МАҲМУДОВ**

**томонидан тайёрланган**

**АВВАЛ ИЛМ**

**Андижон**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман

аگر شخصی گوید که اول علم کدام است و آخر علم کدام است

**Савол:** Агар бир киши: “Илмнинг аввали қайси ва илмнинг охири қайсидир?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه اول علم شناختن الله تعالى است و آخر علم گذاشتن همهء

امرهاست بسوی الله تعالى

**Жавоб:** “Илмнинг аввали Аллоҳ таолони танимоқ ва охири эса, барча ишларни Аллоҳ таолога топширмақдир”, деб айтамыз.

باز اگر شخصی گوید که از کجا میدانید که اول علم شناختن الله تعالى و آخر

علم گذاشتن همهء امرها بسوی الله تعالى باشد

**Савол:** Агар бир киши: “Илмнинг аввали Аллоҳ таолони танимоқ ва охири барча ишларни Аллоҳ таолога топширмақ бўлишини қаердан билдингиз?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه از ینحدیث پیغمبر علیه السلام میدانیمکه

**Жавоб:** “Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг бу ҳадисдан биламыз”, деб айтамыз.

”قَالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ السَّلَامُ: أَوَّلُ الْعِلْمِ مَعْرِفَةُ الْجَبَّارِ وَآخِرُ الْعِلْمِ تَفْوِيضُ الْأُمُورِ

إِلَيْهِ” یعنی گفتند نبی علیه السلام اول علم شناختن جبار است و آخر علم گذاشتن

همهء امرها است بسوی جبار

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Илмнинг аввали ал-Жаббор (Аллоҳ)ни танимоқ ва охири ҳамма ишларни унга топширмақдир”, деб айтдилар. Яъни илмнинг аввали Жабборни танимоқ ва охири эса, барча ишларни Жабборнинг ўзига топширмақдир.

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ یعنی پناه میگیرم بالله تعالی از شر شیطان صفت

شیطان اینکه رجیم است

“Аллоҳдан қувилган шайтон (шарри)дан паноҳ сўрайман”, яъни Аллоҳ таоло билан шайтоннинг шарридан паноҳ ушлайман. Шайтоннинг сифати буки, рожиймдир.

رجيم بر سه معنی آمده است بمعنای مرجوم بمعنای ملعون بمعنای مردود

**Рожийм** уч маънога кўра келади. Маржум, малъун ва мардуд маънолари билан.

اگر رجيم بمعنای مرجوم باشد معنی چنين ميشود که شیطان سنگسار کرده

شده از درگاهِ إلهی است

Агар рожийм маржум маъноси билан бўлса, унинг маъноси шундай бўладики, шайтон Аллоҳнинг даргоҳидан тошбўрон қилингандир.

اگر رجيم بمعنی ملعون باشد معنی چنين ميشود که شیطان لعنت کرده شده

از درگاهِ إلهی است

Агар рожийм малъун маъноси билан бўлса, унинг маъноси шундай бўладики, шайтон Аллоҳнинг даргоҳидан лаънатлангандир.

اگر رجيم بمعنی ملعون باشد معنی چنين ميشود که شیطان رانده کرده شده

از درگاهِ إلهی است

Агар рожийм мардуд маъноси билан бўлса, унинг маъноси шундай бўладики, шайтон Аллоҳнинг даргоҳидан қувилгандир.

اگر شخصی گوید که از کجا میدانید که شیطان سنگسار کرده شده از درگاه

إلهی باشد

**Савол:** Агар бир киши: “Шайтон Аллоҳнинг даргоҳидан тошбўрон қилинганини қаердан билдингиз?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه ازین آیت میدانیمکه قوله تعالی: "وَلَقَدْ زَيَّنَّا السَّمَاءَ الدُّنْيَا بِمَصَابِيحَ وَجَعَلْنَاهَا رُجُومًا لِلشَّيَاطِينِ" یعنی زینت دادیم ما آسمان دنیارا بستارکان و کرداندیم ما هموی ستارکانرا رجوم یعنی سنگپاره از برای شیاطین.

**Жавоб:** “Бу оятдан биламизки, Аллоҳ таолонинг сўзи: “**Ва дарҳақиқат Биз яқин осмонни чироқлар билан зийнатлаб қўйдик ва у (чироқ)ларни шайтонларга отиладиган нарса ҳам қилиб қўйдик**”<sup>1</sup>. Яъни дунё осмонини юлдузлар билан зийнатлаб қўйдик ва уларни шайтонлар сабабидан ружум, яъни тошпарча қилдик”, деб айтамыз.

اگر شخصی گویدکه از کجا میدانیدکه شیطان لعنت کرده شده از درگاه

إلهی باشد

**Савол:** Агар бир киши: “Шайтон Аллоҳнинг даргоҳидан лаънатланганини қаердан билдингиз?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه ازین آیت میدانیمکه قوله تعالی: "وَإِنَّ عَلَيْكَ لَعْنَتِي إِلَى يَوْمِ

الدِّينِ" یعنی بر تو باد لعنت من ای شیطان تا روز قیامت

**Жавоб:** “Бу оятдан биламизки, Аллоҳ таолонинг сўзи: “**Ва, албатта, сенга жазо кунигача Менинг лаънатим бўлгай**”<sup>2</sup>. Яъни эй шайтон! Қиёмат кунигача сенга менинг лаънатим бўлсин”, деб айтамыз.

اگر شخصی گویدکه از کجا میدانیدکه شیطان رانده کرده شده از درگاه

إلهی باشد

**Савол:** Агар бир киши: “Шайтон Аллоҳнинг даргоҳидан қувилганини қаердан билдингиз?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه ازین آیت میدانیمکه قوله تعالی: "فَاخْرُجْ مِنْهَا فَإِنَّكَ رَجِيمٌ"

یعنی بس خارج شو ای شیطان از جنت بس بدرستیکه تو رجیم.

<sup>1</sup> “Мулк” сураси 5-ояти.

<sup>2</sup> “Сод” сураси 78-ояти.

**Жавоб:** “Бу оятдан биламизки, Аллоҳ таолонинг сўзи: “У зот: «Сен ундан чиқ! Бас, албатта, сен қувилгансан»<sup>3</sup>”. Яъни бас, эй шайтон! Сен жаннатдан чиқиб кет, бас, албатта, сен рожиймдирсан”, деб айтамыз.

اگر شخصی گوید که قاریان از قبل قراءت قرآن چرا اعوذ بالله میخوانند.

**Савол:** Агар бир киши: “Нима учун қорилар Қуръон ўқишдан олдин “аъзу биллаҳ”ни ўқийдилар?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه در شأن اعوذ بالله آیت وحديث وارد شده است. آیت این

است که قوله تعالی: "فَإِذَا قَرَأْتَ الْقُرْآنَ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ" یعنی

هرچگاهی که اراده کنی تو ای محمد قراءت قرآنرا پس پناه طلب کنی بسوی الله

تعالی ازشر شیطان صفت شیطان این است که رجیم است.

**Жавоб:** “«Аъзу биллаҳи»нинг шаънида оят ва ҳадис ворид бўлгандир. Оят булдирки, Аллоҳ таолонинг сўзи: “Қуръон ўқиган чоғингда, Аллоҳдан қувилган шайтон (шарри)дан паноҳ сўрагин<sup>4</sup>”. Яъни ҳар вақтики, сиз эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам! Қуръон ўқишни ирода қилсангиз, бас Аллоҳ таоло тарафидан шайтоннинг шарридан паноҳ талаб қилинг. Шайтоннинг сифати булдирки, рожиймдир”, деб айтамыз.

وحدیث این است که قَالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ السَّلَامُ إِجْلَالُ الْقُرْآنِ بِالْإِسْتِعَاذَةِ یعنی

گفتند نبی علیه السلام بزرگ داشتن قرآن باستعاذه است.

Ва ҳадис будирки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қуръонни улуғламоқ истиъоза биландир”, дедилар. Яъни Набий алайҳиссалом: “Қуръонни улуғламоқ истиъоза биландир”, дедилар.

اگر شخصی گوید که چرا تقدیم کردند تعوذ را برتسمیه.

**Савол:** Агар бир киши: “Нима учун таъаввузни тасмияга муқаддам қилдилар?”, деб айтса.

<sup>3</sup> “Сод” сураси 77-ояти.

<sup>4</sup> “Наҳл” сураси 98-ояти.

جواب مگوئیمکه تعوذ از برای دفع مضرّت ست تسمیه از برای جلب منفعت. دفع مضرّت اَهَمَّ است از جلب منفعت بنابراین تقدیم کرده اند تعوذ را بر تسمیه.

**Жавоб:** “Таъаввуз зарарни даф қилиш ажлидандир, тасмия эса, манфаатни жалб қилиш ажлидан. Зарарни даф қилиш, мафаатни жалб қилишдан аҳамиятлироқдир. Шунга биноан таъаввузни тасмияга муқаддам қилдилар”, деб айтамыз.

اگر شخصی گوید که بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ چند معنی دارد.

**Савол:** Агар бир киши: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм нечта маъноси бор?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه دو معنی دارد: معنی افرادی معنی ترکیبی.

**Жавоб:** “Икки маъноси бор: ифродий ва таркибий маънолари бор”, деб айтамыз.

معنی افرادی آن است که کلمه های بسم الله را تنها تنها معنی گفته شود باینطریقکه معنی ب بَ معنی اسم نام معنی الله معبود برحق معنی رحمن بخشنده نعمتها است در دنیا بر مؤمن و بر کافر معنی رحیم بخشاینده گناهان است در آخرت بر مؤمن نه بر کافر.

Ифродий маъноси буки, “бисмиллаҳ”нинг калималарига якка-якка маъно айтилади. Бу йўл биланки, “би” маъноси “ба-билан”, “исм” маъноси “ном”, “Аллоҳ” калимасининг маъноси “Маъбуди барҳақ”, “Раҳмон” калимасининг маъноси “дунёда мўминга ҳам кофирга ҳам неъматларни берувчи”, “Роҳийм” калимасининг маъноси “охиратда кофирга эмас, мўминга гуноҳларини бахш этувчи”, деган маънодадир.

معنى ترکیبی آن است که کلمهای بسم الله را بیکبار معنی گفته شود باینطریقه که بنام معبود برحق که بخشنده بخشاینده است ابتدا میگویم من این کتابرا بنام او نه بغیرنام او.

Таркибий маъноси буки, “бисмиллаҳ”нинг калималарига бирданига маъно айтилади. Бу йўл биланки, “Мен бу китобни бошқасининг номи билан эмас, Меҳрибон, раҳмли, маъбуди барҳақнинг номи билан бошлайман”, деган маънодадир.

اگر شخصی گوید که ابتدا میگویم را از کجا میگیرید.

**Савол:** Агар бир киши: “Бошлайман сўзини қаердан олдингиз?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه از اَبْتَدِئُ مَقْدَر.

**Жавоб:** “Муқаддар (тақдирдаги) “абтадиу” сўзидан”, деб айтамыз.

باز اگر شخصی گوید که اَبْتَدِئُ چون مَقْدَر است.

**Савол:** Яна агар бир киши: “Абтадиу сўзи қандай муқаддардир?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه بِسْمِ اللّٰهِ جار و مجرور است هر جار و مجرور را متعلقى مى

باید متعلق او فعل یا شبه فعل میباشد بس اینجا متعلق او فعل است که ابتداً است

تقدير كلامِ بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ اَبْتَدِئُ بوده است اَبْتَدِئُ را از جهت تخفيف

حذف کرده اند.

**Жавоб:** “Бисмиллаҳ жор (жар қилувчи) ва мажрур (жар қилинган)дир. Ҳар жор ва мажрурга бир мутааллақ лозим бўлади. Мутааллақ у феъл ё шибҳи феъл бўлади. Бас, бу ерда муталлақ феълдирки, у абтадиудир. Каломнинг тақдири “**بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ** - Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман” бўлган. “Абтадиу”ни енгиллаштириш сабабидан ҳазф қилдилар”, деб айтамыз.

اگر شخصی گوید که بِسْمِ اللّٰهِ متعلق اَبْتَدِيٌّ متعلق حق متعلق آن است که  
مقدم می باشد بر متعلق درینجا چرا مؤخر آمده است.

**Савол:** Агар бир киши: “Бисмиллаҳ мутааллиқ, абтадиу мутааллақ. Мутааллақнинг ҳаққи удирки, мутааллиққа муқаддам бўлади. Бу ерда нима учун кечикиб келгандир?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه تقدیم ما حقه التأخیر مفید حصر است معنی حصر اثبات  
کردن شی است بر شی و نفی کردن آن شی است از غیر شی. مصنف ابتدا کرده  
است کتابش را بنام الله نه بغیر نام الله.

**Жавоб:** “Унинг ҳаққи кечиктириш бўлган нарсани муқаддам қилмоқ ҳасрни ифода қилувчидир. Ҳасрнинг маъноси: бир нарса (бошлаш)ни бир нарса (Аллоҳнинг номи)га исбот қилмоқ ва у (бошлаш)ни ундан (Аллоҳнинг номидан) бошқасидан нафй қилмоқ. Мусанниф ўз китобини Аллоҳ номидан бошқаси билан эмас, Аллоҳ номи билан бошлагандир”, деб айтамыз.

اگر شخصی گوید که بِسْمِ اللّٰهِ در اصل چیست.

**Савол:** Агар бир киши: “Аслида бисмиллаҳ нимадир?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه بِسْمِ اللّٰهِ در اصل باسم الله بوده است همزهء وصلیه را از  
جهت تخفیف حذف کرده اند.

**Жавоб:** “Бисмиллаҳ аслида биисмиллаҳ бўлгандир. Ҳамзаи васлийяни тахфиф (енгиллаштириш) жиҳатидан ҳазф қилдилар”, деб айтамыз.

اگر شخصی گوید که چرا تقدیم کرده اند با را بر اسم.

**Савол:** Агар бир киши: “Нима учун “бо”ни “исм”га муқаддам қилдилар?”, деб айтса.



جواب مگوئیمکه با جارّ است اسم مجرور جار مقدم می باشد بر مجرور  
بنابراین با را تقدیم کرده اند بر اسم.

**Жавоб:** “Бо жор исм мажрурдир. Жор мажрурга муқаддам бўлади. Шунинг учун “бо”ни “исм”га муқаддам қилдилар”, деб айтамыз.

аگر شخصی گوید که جار چون مقدم می باشد بر مجرور.

**Савол:** Агар бир киши: “Қандай жор мажрурга муқаддам бўлади?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه جار عامل است مجرور معمول حق عامل آن است که مقدم  
می اشد بر معمول بنابراین جار مقدم می باشد بر مجرور.

**Жавоб:** “Жор омилдир мажрур эса, маъмул. Омилнинг ҳаққи шуки, маъмулга муқаддам бўлади. Шунинг учун жор мажрурга муқаддам бўлади”, деб айтамыз.

аگر شخصی گوید که چرا اسم را تقدیم کرده اند برالله.

**Савол:** Агар бир киши: “Нима учун исмни Аллоҳ лафзига муқаддам қилдилар?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه اسم مضاف الله مضاف اليه است حق مضاف آنکه مقدم  
می باشد بر مضاف اليه بنابراین تقدیم کرده اند اسم را برالله.

**Жавоб:** “Исм лафзи музоф, Аллоҳ лафзи музофун илайҳдир. Музофнинг ҳаққи шуки, музофун илайҳга муқаддам бўлади. Шунинг учун, исмни Аллоҳ лафзига муқаддам қилдилар”, деб айтамыз.

аگر شخصی گوید که الله را چرا تقدیم کرده اند بر رحمن.

**Савол:** Агар бир киши: “Нима учун Аллоҳ лафзини Раҳмон лафзига муқаддам қилдилар?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه الله اسم ذات است رحمن اسم صفات اسم ذات مقدم می  
باشد بر اسم صفات بنابراین تقدیم کرده اند الله را بر رحمن.

**Жавоб:** “Аллоҳ лафзи исми зотдир. Раҳмон лафзи исми сифат, исми зот исми сифатга муқаддам бўлади. Шунинг учун, Аллоҳ лафзини Раҳмон лафзига муқаддам қилдилар”, деб айтамыз.

اگر شخصی گوید که شما گفتید که اسم ذات مقدم می باشد بر اسم صفات

سبحان الله الحمد لله را چه میگوئید که اسم ذات مقدم نشده است بر اسم صفات.

**Савол:** Агар бир киши: “Сиз: “Исми зот исми сифатга муқаддам бўлади”, деб айтдингиз. Субҳаноллоҳ ва алҳамдулиллаҳга нима дейсизки, исми зот исми сифатга муқаддам бўлмаяпти?”, деб айтса.

جواب گفتیم که اسم ذات مقدم می باشد بر اسم صفات بر تقدیر آنکه اسم

ذات مضاف الیه یا خیر واقع نشود اسم ذات در سبحان الله مضاف الیه ودر الحمد لله خیر واقع شده است بنابراین اسم ذات مقدم نشده است.

**Жавоб:** “Исми зот исми сифатга шу тақдир билан муқаддам бўладикки, исми зот музофун илайҳ ёки хабар бўлиб воқеъ бўлмаса. Исми зот субҳаналлоҳда музофун илайҳ ва алҳамдулиллаҳда хабар бўлиб воқеъ бўлмоқда. Шунга биноан исми зот муқаддам бўлмаяпти”, деб айтамыз.

اگر شخصی گوید که رحمن را بر رحیم چرا تقدیم کرده اند.

**Савол:** Агар бир киши: “Нима учун Раҳмон калимасини Роҳийм калимасига муқаддам қилдилар?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه رحمن خاص اللفظ عام المعنى است رحيم عام اللفظ خاص

المعنى خاص اللفظ عام المعنى مقدم می باشد بر عام اللفظ خاص المعنى.

**Жавоб:** “Раҳмон лафзи хос маъноси умум, Роҳийм эса, лафзи умум маъноси хосдир. Лафзи хос маъноси умум лафзи умум маъноси хосга муқаддам бўлади”, деб айтамыз.

اگر شخصی گوید که رحمن چون خاص اللفظ عام المعنى است.

**Савол:** Агар бир киши: “Нима учун Раҳмон лафзи хос маъноси умум калимадир?”, деб айтса.

**جواب مگوئیمکه** لفظ رحمن را اطلاق می سازند بر واجب تعالی و بس اَمَّا

معنیش عام است که بخشندهء نعمتها است در دنیا بر مؤمن و بر کافر.

**Жавоб:** “Раҳмон лафзини фақатгина Вожиб таолога ишлатадилар, лекин унинг маъноси умумдирки, дунёда, мўмину-кофирга неъматларни берувчидир”, деб айтамыз.

**اگر شخصی گوید که رحيم چون عام اللفظ خاص المعنى است.**

**Савол:** Агар бир киши: “Нима учун Роҳийм лафзи умум маъноси хос калимадир?”, деб айтса.

**جواب مگوئیمکه** لفظ رحيم را اطلاق می سازند بر واجب تعالی و بر غیر

واجب تعالی اَمَّا معنیش خاص است که بخشایندهء گناهان است در آخرت بر مؤمن نه بر کافر.

**Жавоб:** “Роҳийм лафзини Вожиб таолога ва бошқага ҳам ишлатадилар, лекин, унинг маъноси хосдирки, охиратда кофирга эмас, мўминга гуноҳларини бахш этгувчидир”, деб айтамыз.

**اگر شخصی گوید که مصنف کتابش را ابتدا به بِسْمِ اللّٰهِ کرده است چرا.**

**Савол:** Агар бир киши: “Нима учун мусанниф ўз китобини бисмиллаҳ билан бошлагандир?”, деб айтса.

**جواب مگوئیمکه** بنا بر سه وجه: وجه اول آنکه متابعت بر کلام مجید کرده

است چنانچه در اول کلام اللّٰهِ بِسْمِ اللّٰهِ واقع شده است. وجه دوم آنکه امتثال

بحديث شريف کرده است زیرا که در حديث واقع است که قَالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ السَّلَامُ

كُلُّ أَمْرٍ ذِي بَالٍ لَمْ يُبْدَأْ بِبِسْمِ اللّٰهِ فَهُوَ ابْتَرٌ یعنی فرمودند نبی علیه السلام هر امر

شریفی که ابتدا کرده نشود به بِسْمِ اللّٰهِ آن امر شریف ابتر است یعنی ویران است.

وجه سوم آنکه متابعت بر سلف صالحین کرده است زیرا که سلف کتابهایشانرا به

بسم اللّٰهِ کرده اند.

**Жавоб:** “Уч важҳга кўра: Биринчи важҳ шуки, Каломи мажидга эргашгандир, чунки, Каломуллоҳнинг аввалида “бисмиллаҳ” воқеъ бўлгандир.

Иккинчи важҳ шуки, ҳадиси шарифга бўйсингандир. Зероки, ҳадисда воқеъ бўлгандирки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Эътиборга молик ҳар бир иш “бисмиллаҳ” билан бошланмаса, бас, у охири қисқадир**”, дедилар. Яъни, Набий алайҳиссалом буюрдилар: “Ҳар бир улуғ ишики, бисмиллаҳ билан бошланмаса, у абтардир, яъни вайрондир.

Учинчи важҳ шуки, салафи солиҳийнларга эргашгандир, зероки, салафлар ўзларининг китобларини “бисмиллаҳ” билан бошлаганлар”, деб айтамыз.

اگر شخصی گوید که چنانچه در شأن ابتدا به بِسْمِ اللّٰهِ حدیث وارد شده

است اینچنین در شأن ابتدا به الحمد لله حدیث وارد بوده است وی کدام است.

**Савол:** Агар бир киши: “Чунончи, “бисмиллаҳ” билан бошлаш шаънида ҳадис ворид бўлгандир. Шунингдек, “алҳамдулиллаҳ” билан бошлаш шаънида ҳам ҳадис ворид бўлгандир. У қайсидир?”, деб айтса.

جواب مگوئیمکه حدیث اینست که قَالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ السَّلَامُ كُلُّ أَمْرٍ ذِي بَالٍ

لَمْ يُبْدَأْ بِالْحَمْدِ لِلَّهِ فَهُوَ أَقْطَعُ یعنی گفتند نبی علیه السلام هر امر شریفی که ابتدا

کرده نشود بالحمد لله پس وی کوتاه است یعنی نا تمام و قلیل البرکت است.

**Жавоб:** “Ҳадис будирки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Эътиборга молик ҳар бир иш “алҳамдулиллаҳ” билан бошланмаса, бас, у баракаси оздир**”, дедилар. Яъни, Набий алайҳиссалом айтдилар: “Ҳар бир улуғ ишики, алҳамдулиллаҳ билан бошланмаса, бас, у қисқадир, яъни нотамом ва баракаси оздур”, деб айтамыз.

اگر شخصی گوید که مصنف کتاب خود را ابتدا به بِسْمِ اللّٰهِ کرده است چرا ابتدا بِالْحَمْدِ لِلّٰهِ نکرده است چنانچه در شأن ابتدا بِالْحَمْدِ لِلّٰهِ حدیث وارد شده است.

**Савол:** Агар бир киши: “Мусанниф ўз китобини бисмиллаҳ билан бошлади нима учун алҳамдулиллаҳ билан бошламади. Чунончи, алҳамдулиллаҳ шаънида ҳам ҳадис ворид бўлгандир?”, деб айтса.

**جواب مگوئیمکه** ابتدا بر سه قسمت: ابتدی تلفظی ابتدی تعقلی ابتدی تکتبی. مصنف ابتدی تکتبی نکرده است میتواند که ابتدی تلفظی یا تعقلی کره باشد.

**Жавоб:** “Бошлаш уч қисмга кўрадир. Талаффузий (лафзда айтиб) бошлаш, таакқулий (ақлда айтиб) бошлаш ва такаатгубий (ёзув билан ёзиб) бошлаш. Бу ўринда мусанниф ибтидоий такаатгубийни қилмагандир. (Мусанниф) қодир бўладики, ибтидоий талаффузий ёки ибтидоий таакқулий қилишликка”, деб айтамыз.

اگر پرسند که بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ مرکب است وهر مرکب محتاج است بسوی اجزایش وهر محتاج ممکن است وهر ممکن نزد متکلمین حادث است بس لازم آمد که بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ حادث باشد و حال آنکه بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ از جمله قرآن قدیم بود.

**Савол:** Агар бир киши: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм мураккабдир, ҳар мураккаб ўзининг жузларига муҳтождир, ҳар муҳтож мумкиндир, ҳар мумкин калом илми уламоларининг наздида янгидан пайдо бўлувчидир. Бас, лозим келадики, бисмиллаҳир роҳманир роҳийм ҳодис эканда, ваҳоланки, бисмиллаҳир роҳманир роҳийм Қуръон жумласидан бўлиб, қадимдир?”, деб сўраса.

جواب مگوئیمکہ بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ من حیث اللفظ حادث است و من حیث المعنی قدیم. از جملهء قرآن بودنش من حیث المعنی است.

**Жавоб:** “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм лафз жиҳатидан ҳодисдир, маъно жиҳатидан эса, қадимдир. Ва унинг Қуръон жумласидан бўлмоғи маъно жиҳатидандир”, деб айтамыз.

تَمَّتْ بِعَوْنِ اللّٰهِ وَكَرَمِهِ.

Ушбу рисола Аллоҳнинг ёрдами ва қарами билан тамоm бўлди.